

Ўзбекистон давлат консерваторияси

**“Эстрада хонадалиги” кафедраси
Катта ўқитувчиси**

Дилшод Умаровнинг

**“Ихтисосликка кириш”
фанидан
ёзган маърузалар матни**

Ихтисосликка кириш фанидан маърузалар матни.

Маъруза № 1. “Ихтисосликка кириш фани ҳақида тушунчалар. берилган 2 –соат маъруза, 2 – соат семинар.

«Ихтисосликка кириш» фани олий ўқув юртларининг биринчи курс талабаларини ҳозирги халқаро аҳвол, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, ўқув юртларининг қисқача тараққиёти тарихи, уларнинг тузилиши ва вазифалари, ўқув жараёнини илмий асосда ташкил этиш, ўқитиш жараёнининг асосий шакллари, ўқув режасининг мазмуни, илмий-тадқиқот ишлари, талабаларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, талабаларнинг бўш вақтдан фойдаланишлари, мустақил ишлашни тўғри ташкил этиш, китоб устида ишлаш, библиография техникаси кабилар билан таништиради.

«Ихтисосликка кириш» фани 1 курсга қабул қилинган талабаларга олий ўқув юртида ўқув жараёни ва талаба танлаган мутахассислиги бўйича умумий тушунчалар берилади. «Ихтисосликка кириш» фани 2 қисмдан иборат бўлиб:

1.Талаба барча мутахассисликлар учун бир хил мавзуда: олийгоҳ тарихи, бугунги кундаги ишлари, истикбол режалари, олийгоҳ ички тартиб қоидалари, олий ўқув юртида ўқув жараёнининг ташкил этилиши билан танишади.

2.Талаба ўзи танлаган мутахассислиги бўйича умумий жараёнлар билан танишади. Мутахассисликни келиб чиқиш тарихи, ҳозирги кундаги фаолияти ва бу соҳани ривожлантириш омиллари, ижодий жараёнларни ўрганадилар.

3. Ўзбекистон Давлат Консерваториясида ўқув йили икки семестрга бўлинади. Ҳар бир семестр охирида талабаларнинг билимларини ўзлаштириши рейтинг тизими асосида ўтказилган на

зоратлар натижаларига кўра белгиланади. Талабаларнинг билимлари рейтинг баллари асосида «аъло», «яхши», «қониқарли», «қониқарсиз» деб баҳоланади. Рейтинг натижалари бўйича олган умумий баллари талабанинг рейтинг дафтарчасида ёзиб қўйилади. Олий ўқув юртларида ўқиш ҳар ҳафтада ўрта ҳисобда 36 соат аудитория дарслари ва 18 соат аудиториядан ташқари мустақил таълим олиш шаклларида иборат. Бу узок муддатли меҳнат бўлиб, узлуксиз ирода кучини ва тинимсиз ишлашни талаб қиладиган машшақатли ишдир.

Ихтисосликка кириш фани, “Эстрада санъати” тарихини, ҳозирги кунгача бўлган ривожланиш давларини, жаз санъати пайдо бўлиши ва унинг ривожланиш давларини, эстрада хонандалиги ва унинг турли хил оқим ва йўналишларининг пайдо бўлиши, эстрада хонандаларининг шоу-бизнесдаги барча фаолиятларини кўрсатиб бериш кабиларни ўз ичига олган.

Семинар саволлари:

1. Ихтисосликка кириш фани нимани ўргатади?
2. ЎДК “Эстрада хонандалиги” кафедраси фаолияти ҳақида нималарни биласиз?

Маърузалар №1 дан № 8гача. Эстрада хонандалиги санъати тарихи

Эстрада тушунчаси – лотинча томоша кўрсатиш учун махсус кўтарилган, жой яъни сахна маъносини беради. 19 аср охирига келиб бу тушунча якка тартибда, кичик шаклда ижод қилиш маъносини англата бошлади. Драматург - пьеса, режиссёр - спектакл, актёр - образ яратади. Учала жараён бир кишида мужассам бўлиб, у кичик шаклдаги томоша яратса – номер деб аталди. Томоша – номер яратиш санъати XX асрдан бошлаб эстрада деб атала бошланди. Номер яратган ва уни санъат даражасида намоёни қилган шахс эса эстрада актёри деб номлана бошлади.

Эстрада деб ном олган санада эса – парда, сана ортидаги “горизонт”, ёнидаги – кулис, сахна сатҳини айлантирадиган машина бўлмайди. У шу жихати билан махсус жихозланган театр сахнасидан фарқ бўлади.

19 асрга келиб йирик шаҳарларнинг кўпайиши ва саноатни ривожланиши шаҳарликлар маданиятини ўзгартириб юборди. Натижада, театр санъати турлари қаторида опера ва балет номи билан, актёрлардан юқори даражадаги тайёргарлик кўришни театрдан эса катта сарф – харажатларни талаб қиладиган катта шаклдаги томошалар юқори мақомга эга бўлди. Бу давр талаби эди. Чунки қорни тўқ, усти бут, ташвиши йўқ зодагонлар зериккан пайтида эрмак бўладиган, кўнгил очадиган томоша жойлари яратилди.

Зерикканлар эҳтиёжидан келиб чиқиб бадий жихатдан “катта шаклда” ифодаланган театр спектакллари – уч актли, икки антракти – танаффусли томошаларга айлантирилди. Икки марта томошадан танаффусга чиққан зодогонларга театр фойе ва буфетларида бир-бирлари билан суҳбатлашишлари учун яратилаган шароит уларга маъқул бўлди.

Шундай қилиб, “катта шаклда” ги томошалар кўрсатадиган театрлар - куни билан томоша кутиб зериккан зодогонларни кечаси бир жойга тўплайдиган ҳамда вақтни ўтказиш учун хумор босди, эрмак ва овунчок

бўла оладиган марказларга айланди. Бу давр яна “катта шаклда” ифодаланадиган томошалар шаклини ҳам яратди ва уни “концерт” деб атади. Концерт – театрға рақобат бўла олган ҳамда “кичик шаклда”ги томошаларни эстрада санъати даражасига олиб чиққан, ижодкорларни бир жойга тўплайдиган тадбир бўлиб қолди. “Концерт” га алоҳида тўхталгунча уни шаклланиш жараёнига назар ташлаймиз.

Ўзбек эстрадасида қўшичилик.

Маълумки, XX аср ўзбек мусқиа санъатида кескин янгиланишлар даври бўлди, «ноанъанавий» композиторлик ижодиёти амда янги концерт шакллари юзага келди. Шу муносабат билан мусийй маданиятга ҳам «эстрада» тушунчаси муомаламизга кириб келди.

Дастлабки пайтларда унинг қўлланиш доираси ниҳоятда кенг бўлганлиги билан тавсифланади. Бу хусусда О. Бековнинг уйидаги фикр-мулоҳазалари эътиборлидир: «Ёрқин, ранг-баранг кескин ўзгаришлар асосида тузилган, аммо ўзаро боғланмаган эстрада концерти амалда барча бадийий ижодиётнинг назм ва мусиқадан то циркгача қарийб барча турлари намуналарини ўз номига торта олишга «қодир» эканлигини намоён этди. Ва ниҳоят, филармоник концерт ва театр спектаклларида фарқли ўлароқ, томошабин ва артистлар орасидаги ўзига хос мулоқот, енгил боғлиқлик каби сифатлар эстрада санъати ижрочилик табиатининг асосига айланди. Шу жумладан, томоша жараёнида тингловчи билан доимий бевосита боғлиқ бўлишлик ғолати ўзига хос конференс каби эстрада жанрининг юзага чиқишига ҳам сабаб бўлди». Муаллиф «эстрада» атамасини санавий санъат кесимида талқин этаркан, унинг белгиловчи фазилатлари сифатида «жонли, ўзига хос содда мусиқий шакллар, гоҳида муаллифларнинг ёрқин, шунингдек жўнлаштирилган интонацион айланма ҳамда «оммавий» рақсбоп усулларга ёндошувлари» ни алоҳида таъкидлайди. Ушбу фикрлар ўзбек мусқиа маданиятининг асосан 1920-1950 йилларига тааллуқлидир. Таъкидлаш жоизки, озирги Ўзбекистон воқелигида «эстрада» атамаси нафақат сана билан боғлиқ ҳолда, балки мусиқада ўзига хос йўналишни

тавсиф этишда ҳам қўлланилади. Демак, музика маданиятида «эстрада» атамаси «тор» маънода маълум ижро ва бадиий унсурлар бирлигига асосланган музика намуналарини ифода этади.

Бинобарин, бу ўринда «эстрада» истилоҳи хусусий тушунча сифатида намоён бўлмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу кесимдаги «эстрада»га оид «музика эстрада» тушунчасини қўллаб, унинг заминида «жадал усул»га асосланган барча санавий музика жанрларининг мажмуини англаш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, «эстрада» сўзининг луғавий маъносидан келиб чиққан ҳолда, яъни уни кенг маънода умуман «сахна санъати» тушунчаси сифатида ва тор маънода «музика эстрада», яъни махсус тайёргарлиги бўлмаган тингловчи осонгина тушуна оладиган (жўн), ҳордиқ чиқариш мақсадларига хизмат қилувчи шаклан ва мазмунан оддий, тез эса қоларли куй ва асосан рақсбоп усуллар (заминида маълум қадар «бит», яъни жадал усул)ни мужассам этган музика намуналарига доир қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Назаримизда «музика эстрада» атамасини тор маънода қўллаш пировардида «поп-мюзик» атамаси билан тенг маъноликка ва мазкур андозада ижод этилган асарларни музика соҳа даражасида таснифлаш каби қулайликка эришилади. Айни пайтда атамалардаги бир-бири билан узвий боғлиқ кесишув ва тафовутлар ҳам бартараф этилиши мумкин.

Ўзбек музика эстрадаси шаклланиши жараёнида фольклор намуналари муҳим замин бўлганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Бунда қўшиқ, лапар ва айниқса шўх яллаларнинг рақсбоплиги, енгил оҳанг-усуллари қўл келганди. Айни пайтда бу ҳолат “Ўзбек музика эстрадаси” нинг миллийлик асосини ҳам таъминловчи воситалардан бўлди.

XX аср бошларида ижтимоий-сиёсий вазиятлар ўлароқ шакллана бошлаган ўзбек эстрада қўшиқчилигини шартли икки даврга бўлиш мумкин: биринчиси анъанавий жанрлар – қўшиқ, лапар, яллалар ривожланган давр; иккинчи даврда эса фольклор жанрлари музика эстрада талаблари асосида услубан айта ишланиши бошланган даврдир.

Ботир Зокиров -эстрада юлдузи.

1950 – йилларнинг иккинчи ярмига келиб, собиқ иттифокда юз берган халқаро муносабатлар билан боғлиқ сиёсий ўзгаришлар Ўзбекистонда эстрада мусиқасининг янги шакллари ривожланишига сабаб бўлди. Жумладан, 1957 йилда Москвада ўтказиладиган ёшлар ва талабалар жаҳон фестивалида иштирок этиш мақсадида «Ёшлик» эстрада ансамбли Тошкентда ташкил этилди. Мазкур жамоа ижро дастурига А.Гинзбург режиссёрлик қилди. Репертуарда ўрин олган кўшиқларни эса Ботир Зокиров ва Луиза Зокировалар, К. Жалилова, Б.Мавлонов ҳамда Р.Қурбоновалар ижро қилдилар. 1958 йилда Тошкентда ўтказилган Осиё ва Африка мамлакатларининг ёзувчилари халаро конферецияси иштирокчилари учун Ўзбекистон давлат эстрада оркестрининг «Бандунг руи» номли илк концерт дастури намоёйиш этилди.

1959 йилда Москвада ўтказилган Ўзбекистон маданияти ва санъати Декадаси доирасидаги тадбирларда “Салом Москва” деб номланган концерт дастури ижро этилди. Дастурни тайёрлаш жараёнида режиссёрлар А.Иконников ва А.Қобулов, мусиқа раҳбари С.Рамазонов, дирижёр А.Двоскин, композиторлар Я.Френкел ва А.Двоскинлар фаол бўлди. Шунингдек, ушбу дастурдан ўрин олган мусиқий чиқишларга К.Жалилова, Б.Мавлонов, Б. Зокиров ва Л.Зокирова, доирачи А.Йўлдошев ҳамда И.Оқилова ва М.Гердт раҳбарлигидаги раққосалар гуруҳи жалб қилинди.

Янги эстрада жамоасининг ташкил этилиши тарихий воқеага айланди ва ўша кезларда Тошкент ҳақиқати газетасида К.Отабоевнинг «Янги ижодий жамоа тузилиши» мақоласи эълон қилинди.

Таъкид жоизки, қайд этилган йилларда ўзбек эстрада мусиқаси асосан уч йўналишларда ривожланди. Булардан биринчиси - махсус ансамбл ва оркестрларнинг кинотеатрлардаги чиқишлари бўлса, иккинчиси рақс учун тайёрланган майдончаларда, учинчиси эса парклардаги майдончаларда кечди. Биринчи вазиятда ижрочи жамоалар дастурида асосан эстрада кўшиқларига урғу берган бўлса, иккинчисида фақат рақсбоп чолу куйлар ва

кўшиқларга, учинчисида эса махсус тинглов учун мўлжалланган асарлар ташкил этган. Мазкур эстрада жамоалари репертуари хусусида сўз юритар эканмиз, шуни қам айтишимиз керакки, унда ўрин олган асарлар деярли совет ва европа джаз мусиқа намуналаридан иборат эди. Хусусан, репертуарда нафақат соф джаз асарлари, балки ўша йилларда «мода»га айланиб улгурган замонавий рақс куйлари, жумладан, фокстрот, чарлстон, валс-бостон, буги-вугилар билан бирга, джаз мусиасининг «би-боп», «кул» ва «прогрессив» каби мураккаб йўналишларига доир асарлар ам ижро етила бошлади.

Ўзбекистон давлат эстрада оркестрининг дастлабки ижро дастури мюзик-холл дастурларига хос бўлиб, унда халқ куйлари, кўшиқ жанрлари ва рақслар, моҳир созандаларнинг номерлари, шунингдек ўша кезларда шаклланган ўзгача санъат тури конференсьеларнинг чиқишларидан иборат бўлди, бир қатор моҳир сўз усталари А.Қобулов ва Тожи-Аглайевлар эл-юртга танилиб, катта сахнада ўз ўрнини топди. Шунинг ам айтиш лозимки, бу дастурларда дастлабки ўзбек композиторларининг муаллифлик кўшиқлари ҳам ижро этилди. Бу фикрларимизни ўша даврда берилган дастлабки концерт дастурлари ҳам тасдиқлайди. Бу пайтда муаллифлик кўшиқлари бобида етук асарлардан бири Ботир Зокиров ижросидаги Мутал Буроновнинг «Мафтун бўлдим» асари бўлди. Унинг ўша йиллар ижро илган – “Гўзал қиз”, “Араб тангоси”, “Мухаббат”, “Жайрон” каби турли миллат кўшиқлари бугунги кун учун ҳам намунавий бўлиб турган янгича оҳанг тизими миллий эстрада кўшиқчилигидаги ноёб топилмалардандир. Ҳозирда турли услубий ёндошиш орқали ушбу кўшиқ ижросига ёш эстрада кўшиқчиларимиз мурожаат этаётганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон давлат эстрада оркестрининг ижро этадиган репертуарида Ботир Зокиров учун басталанган ўзбек композиторларининг янги-янги эстрада кўшиқлари ўрин ола бошлади. Булар орасида П.Раҳимовнинг «Пахта ҳақида кўшиқ», С.Юдаковнинг «Лирик валси», И.Акбаровнинг «Ёр кел», «Раъно», «Газли», «Қайдасан?», «Сени эслайман» ва бошқаларни айтиш мумкин. Айнан шу кўшиқлар

оркестр репертуарининг гултожиси, ўзбек миллий эстрадасининг эса гўзал намуналаридан бири бўлиб қолди.

Эстрада оркестри репертуардан ўрин олган кўшиқлар асосан оригинал ҳолда сақланиб, улар асосан румба, танго, валс каби жанрларга хос усулларда симфोजаз услубида қайта ишланган эди. Шунингдек, бу каби асарларни ижро этган оркестр таркиби дамли чолғулардан иборат биг- бенд, торли чолулар гуруҳи, аккордеон ва тор, рубоб, най, чанг, дойра каби миллий чолғулардан иборат бўлган. Ушбу жамоа билан ижодий фаолиятини боғлаган ва уни жаҳонга машҳур қилган ассос хонанда, мохир актёр, итқидорли рассом, ўзбек миллий эстрада кўшиқчилигининг асосчиси сифатида тарихдан ўрин олган Ботир Зокиров эди.

Мустақиллик даври эстрадаси.

Маънавий тараққиёт ва эстрада санъати

Ўзбекистон Мустақилликка эришган даврдан бошлаб яратилаётган санъат асарлари орасида Ватан, Истиқлол озодлик, миллат ҳақидаги кўшиқлар кенг ўрин олди.

Бошқа санъат турлари қаторида энг оммавий санъат тури - мусий эстрада ривожини учун янги шароит, янги тизим жорий этилди.

1996 йил 5 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг (ПФ-1419 сон) Фармонида биноан «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси ташкил этилди. 2001 йилда Вазирлар Мақамасининг «Эстрада кўшиқчилиги санъатини янада ривожлантириш тўғрисида»ги (2001 йил 26 июндаги 272-сонли) қарори эълон қилинди. Қарорда Республика кенг мусикий жамоатчилиги вакиллари, эстрада санъатининг таниқли намоёндалари, «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзтелеферадиокомпания, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Бадий академия ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг таклифлари асосида Ўзбекистон қарамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов раислигида Миллий эстрада санъатини

ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши тузилди, унинг асосий вазифаси этиб:

- эстрада жамоалари, яккахон ижрочилар ҳамда бошқа санъаткорларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ижодий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш;

- замонавий эстрада санъатининг ўзбек мусиқа маданияти тараққиётидаги ўрни, ғоявий-бадий йўналишлари, уни миллий ва умуминсоний қадриятлар билан уйғунликда ривожлантириш тамойилларини белгилаш;- мамлакат миқёсида ўтказиладиган байрамлар, фестиваллар, кўрик-танловлар, томоша-шоулар, халқ сайллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларга доир тавсиялар тайёрлаш;

- миллий эстрада санъатининг мониторингини ташкил этиш, соҳани ривожлантириш масалаларига бағишланган турли анжуманлар, илмий-ижодий симпозиумларни мунтазам равишда ўтказиб бориш, ўз даврий нашрларини йўлга қўйиш;

- соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган санъаткорларнинг номзодларини давлат мукофотларига тавсия қилиш, ўзининг турли нуфузли мукофотларини таъсис қилиш, эстрада намоёндалари, авваламбор, ёшларни моддий ва маънавий жихатдан рағбатлантириш, тегишли ўқув юртларига тавсия этиш ва ҳоказолар кўрсатилган эди.

Эстрада санъатини ривожлантириш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш учун «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси тугатилиб, унинг негизида Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгашининг асосий мақсад ва вазифаларини адо этадиган хўжалик ҳисобидаги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ташкил этилиши белгилаб қўйилди. Бирлашма қошида ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи Кенгаши фаолият кўрсата бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори нафақат эстрада кўшиқчилиги соҳасида фаолият юритувчи субъектлар, балки умуман мусиқа санъати ижрочилиги билан шуғулланувчи гуруҳлар ва якка

шахслар ижодий фаолияти учун кенг йўл очиб берди ва мазкур соҳа вакиллари олдига тегишли вазифаларни қўйди.

Айниқса, «санъаткорларнинг ижодий нуфузи, маҳорати, профессионал малакаси, репертуар савияси»га қараб “Ўзбекнаво эстрада бирлашмаси” томонидан махсус рухсатнома (лицензия)лар берилиши айтилган. Бу мазмунан саёз, бадиий жиҳатдан заиф қўшиқларнинг маънавий тарбия ишига салбий таъсир кўрсатишини чеклаш билан биргаликда, касбий ижрочилик меъёрини белгилашда муҳим омил бўлди.

Ўз-ўзидан лицензия асосида фаолият юритадиган санъаткорларнинг мақоми касбий ижрочиларга тенглаштирилди. Оддий қилиб айтганда, ҳақиқий ижодга қўмак берувчи ва ривожлантирувчи махсус ташкилот иш бошлади. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудий бўлинмалари фаолиятларига ҳам раҳбарлик қилиши, мазкур ташкилот олдига қўйилган вазифаларни марказлашган тарзда бошқарилишини кўзда тутилганлиги билан биргаликда, бадиий-ғоявий яхлитликни таъминлашга ҳам қаратилди. “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси билан қуйидаги:

Анор Назаров, Алишер Икромов, Алишер Расулов, Дони Илёсов, Баҳрулла Лутфуллаев, Дилором Омонуллова, Султонали Раҳматов каби бастакорлар, Қодир Мўминов, Шокир Аҳмедов, Маъмура Эргашева, Насиба Мадраимова, Муяссар Сотволдиева, Вилоят Оқилова каби балетмейстерлар ижодий ҳамкорлик қилмода. Бу ҳамкорлик Мардон Мавлонов, Ғуломжон Ёқубов, Зулайхо Бойхонова, Собир Мўминов, Илҳом Фармонов, Гулсанам Мамазоитова, Аваз Олимов, Иззат Ибрагимов, Абдулла Шомарупов, Райхон Ғаниева, Рашид Холиқов, Анвар Ғаниев, Ғиёс Бойтойев, Маҳмуд Номозов, Мавлуда Асалхўжаева, Тохир Содиқов, Севара Назархон, Шухрат Қайумов, Илҳом Иброҳимов, Асадулла Холиқов, Шурат Дадажонов, Феруза Жуманиёзова, Дилноза Исмияминова, Аброр Парпиев, Самандар Ҳамроқулов, Ёдгор Мирзажонов, Жаҳонгир Отажонов, Жасур Мирсагатов, Сардор Раҳимхон, Ирода Дилроз, Лола Аҳмедова, Оксана Нечитайло, Диана Зиятдинова, Фирдавс Пазледдинов, Ҳулкар

Абдуллаева, Абдували Ражабов, Мақсед Утемурадов, Мирзагул Сафайева, Гулноз Утегенова, Севинч Мўминова, Шахло Рустамова, Оғабек Собиров, Анвар Собиров, Эркин Худоқйулов, Даврон Эргашев, Озода Абдуғаффорова, Акмал Исроилов, Шерзод Давронов, Фурқат Мирзаев, Насиба Раҳмонова, Ҳосила Раиҳмова, Мавжуда Олимова, Тошпўлат Маткаримов, Азиз Ражабий ва бошқалар ижодларининг мавзу жиҳатдан бойишида муҳим ўрин тутди. Улар томонидан яратилган асарлар Мустақиллик, Наврўз, «Ўзбекистон - Ватаним маним», «Ниҳол», «Шарқ тароналари», Тарона, «Янги номлар» ва шу каби ўнлаб Халқаро ва Республика кўрик-танловларида, фестивалларда, форумларда, байрамларда, ток-шоуларда ижро қилина бошланди. Уларнинг орасида Юлдуз Усмонова, Насиба Абдуллаева, Ғуломжон Ёкубов, Ғиёс Бойитоев, Маҳмуд Номозов, Озода Нурсаидова, Гулсанам Мамазоитова каби ўнлаб хонандалар томонидан ижро қилинган кўшиқлар миллийлиги ҳамда бадиий-ғоявий савиясининг юқорилиги билан ажралиб туради. кўшиқларда акс этган миллийлик ғурури, Ватанга садоқат, қолаверса, хонандалар қалбида шаклланаётган тафаккур - эстрада кўшичиқлигида жиддий изланиш янги йўналишларни топиш жараёни кечаётганидан далолат десак, муболаға бўлмайди.

Эстрадада замонавийлик ва миллийлик

Композитор аранжировкачилар ижодларида И. Акбаров, Е. Ширяев, Э. Салихов, Е. Живаев ва ҳаказо ижодида миллийликка таяниб яратилган муסיқий асарлар пайдо бўлди. XX аср, ўтган асрнинг иккинчи ярми эстрада муסיқаси ҳам алоҳида жанр даражасида санъат тури сифатида шакллана бошлади. Чунки, уларнинг дастлабки асарлари эстрада - симфоник оркестр жўрлигида ижро қилинган бўлса, сўнгра электрлаштирилган гитаралар, ундан кейинроқ гитаралар сафига қўшилган органлар ва боша чолулар иштирокларидаги ансамблларда амалга оширила бошланди. қайд қилинган чолғулар ўзбек миллий муסיқа ижрочилигида иштирок этмасаларда, улар

орқали миллий «ифода» бериш учун турли ёндашувлар, изланишлар олиб борилди.

Шундай бўлсада, миллий музика товуш воситаси - миллий чолғулардан фойдаланиш кенг миқёсда ўз аксини топгани йўқ эди. Кейинги йилларда миллий чолғулар ижроси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошидаги эстрада - симфоник оркестр фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. Эндиликда эстрада кўшиқлари орасида миллийлик канонларига таяниб яратилган асарлар қаторида йўл қўйилаётган «кўчирмачилик», ализ интонация, «аралашган» оҳанг тизими ва ҳоказо ижрочилик билан боғлиқ унсурларни ёритишга урғу берилмоқда.

Эстрада хонандасининг касбий даражаси мумтоз музика ижрочилари қаторида миллат бадиий ғояси ва ички дунёсини англаш билан биргаликда, халқ тарихи, социал ўзгаришлар ва маънавий талаб асосида тўлдирилиши лозим. Бу маълум бир музикавий оқим ёки шаклга интилиш билан белгиланмасдан, давр бадиий ғоясига халқ меросига боғлиқ кечиши мақсадли ҳисобланади.

Музикадаги эстрада жанри - бу турли маданиятлар, халқлар бадиий ғоялари акс етган музика туридир. Лекин, унинг барча кўринишларига энгил музика – инсон руҳига фақат ҳаётбахшлик кайфиятини олиб кирувчи фактор сифатида қаралади.

Бу йўлдаги изланишлар оҳанг йўқлиги, яъни карочилик нокасбий даражадаги мутахассислар орасида «ўзи ёзиб», «ўзи куйловчилар» сафини кенгайтириб юборди. Сунъий тарзда тўкиладиган жўровозлик билан бирга кўшиқчи овозидаги нуқсонларни компьютер ёрдамида «текислаш» ҳам йўлга қўйилди. Бу ҳақиқий санъатда анъана бўлиб келган узвийликни, хатто давомийликни ҳам инкор қилувчи «инкубатор» кўринишни жорий қилишидир.

Жахон эстрадаси юлдузлари орасидан излаб қувиш, уларга кўр-кўрона таассуб қилиш хатто назардан қолганларига ҳам ва саждада бўлиш ҳозирги кунда кенг авж олди. Бу ўзбек эстрадасидаги музика жанрига нисбатан ўткинчи жанр ёки номустақил ижод тури сифатида қаровчилар сафини кенгайтди.

Эстрада мусикаси бошқа тизимга ўтиб кетди, уни энди халқчил бўлиши қийин ёки мумкин эмас қабалида айтилаётган тезисларни кўпайишига имкон яратилди. Натижада «миллий эстрада» деган тушунча хали ануз мезонсиз қолмода ва унга миллий мусика жанрлари қаторида ўз эстетик қийматига эга санъат тури сифатида жиддий қаралмай келинмокда.

Ваҳоланки, ўзбек миллий эстрада кўшиқчилиги тамал тошини қўйган Ботир Зокиров ва унинг издошлари, замондошлари Юнус Тўраев, Стахан Раҳимов, Алла Йошпе ва бошқа индивидлар ўзбек эстрадаси сахнасида миллий ва номиллий куйлаш услубини синтезлаштириш натижасида уни шаклан ва мазмунан уйғунлаштиришга эришганлар.

Мазкур боғлиқлик турли меёрий кўринишларга эга. Пировардида, ўзбек касбий кўшиқчилигидаги нола, қочиримлардек безаклар кўп холларда мавжуд эмас. Хатто қатор жаон эстрада юлдузлари табиатида қам бизчалик товуш безаклари мужассамлашмаган. Шундай экан нима учун айрим юлдуз ва турли юлдузлар услублари бизда мажбуран ифода топиши шарт бўлиши керак?!

Мумкин, уларда мужассам бўлган ижро техникаси кўп жихатлари билан бизнинг касбий эстрада кўшиқчиларимизникидан устундир. Лекин, улар ўта адимий маданияти, урф-одатларию, қадриятларини асрлар давомида сақлаб, бойитиб келаётган халқ вакилларида бадий-ғоявий жихатдан устун бўлмасалар керак. Ана шу миллийлик унсурлари муштарак бўлган ижрочилик тизими ҳаёт қонуниятлари кесимида дунёвий тасаввурга эга бўлган Ботир Зокиров, Юнус Тўраев, Юлдуз Усмонова, Мардон Мавлонов, Ғуломжон Ёқубов, Махмуд Намозов Озода Нурсаидова каби қатор ижод соҳибларини етказиб берди. Уларнинг овоз динамикаси, диапазонлари ва тембрлари энг машҳур ҳисобланган Майкл Жексондан ҳам, шарқ «булбули» Гугушдан ҳам қолишмаслигини эътироф этиш муболаға бўлмайди.

Маърузалар № 9 дан 12 гача. Эстрада

хонандалигидастилистик йўналиш ва оқимлар.

Ҳозирги кунда «эстрада» номи билан юритилаётган мусиқа намуналари тобора кўплаб тингловчилар эътиборини ўзига жалб этмокда. Бугунги кунда радио-телевидение ва турли байрам тантаналари дастурларидан кенг ўрин олган бу турдаги мусиқа нафақат ёшларни, балки жамиятимизнинг турли ёшдаги миллионлаб вакиллари онги ва маънавиятига сезиларли таъсир ўтказа бошлади. АҚШ мусиқаси авваллари бу соҳага қарийб «муолифат» даражасида бўлган композиторлик ижодиётига ҳам унинг озми-кўпми таъсирини ўтказмода.

Америка мусиқа маданиятида эстрада кўшиқчилигининг юзага келиши, унинг маълум унсурлари ва шакллари жaxon халқлари мусиқа маданиятига экспорт қилинганлигини асослаб бериш мумкин. Чунки, Америка Қўшма Штатларининг ижтимоий-маданий ҳаётини ўрганадиган, эстрада кўшиқчилигининг юзага келишига дахлдор айрим жанр турларининг тақдим этадиган олимлар пайдо бўлмокда. Шунингдек, XX аср бошларида ўзбек анъанавий кўшиқчилиги асосида, миллий янги эстрада кўшиқчилиги шакллана бошлаганлигини ўрганадиган тадқиқотчилар ҳам шаклланмокда.

Яқин ўтмишимиз бўлган шўро тузуми даврида эстрада мусиқаси давлатнинг сиёсий аралашувлари таъсирида ривожланган эди. Мазкур соҳа махсус тадқиқот объекти сифатида мусиқашунос олимлар томонидан кўп йиллар давомида ўрганилмай келинди. Жумладан, мусикий эстраданинг тарихи атрофлича ёритилмади, унинг турли хил омиллари, йўналишлари тасниф етилмади, махсус атамалар тизими илмий шарҳланмади. Миллий мусикий эстраданинг юзага келиш жараёни ва унга ўзга маконлардан кириб келган мусиқалар таъсирини бу таъсир натижасида юзага келган янги кўринишларини замонавий мусиқашунослар илмий равишда тизимли таҳлил этишни бошладилар.

Маълумки, Америка Қўшма Штатлари мусиқа маданияти 19 аср охирида ўзига хос мустамлака мамлакатнинг мусиқаси типига шакллана бошлаган эди. Ўша даврдаги Америка мусиқаси Европа, Африка, кейинчалик Осиё

қитъаларидан «кўчирилган» музика анъаналарининг ўзаро таъсири ва трансформациясини бошидан кечириб, янги шарт-шароитларга мослаштирилган еди. Шу билан бир пайтда «ёш миллат»нинг ҳаёт тарзи ҳамда руҳий эҳтиёжларига мос ва хос бўлган америка музика анъаналари шакллана борди. Булардан хор ижрочилиги, бендлар ижроси, менестрел-шоу, спиричуелс каби ўзига хос музикаий анъаналарни алоҳида эътироф этиш мумкин.

Шу билан бирга, 19 асрнинг 20-40 йилларида АҚШ музика маданияти ривожини белгиловчи муҳим икки тамойил юзага келди:

- биринчиси, Америка заминида Европа тарзидаги музикаий ҳаёт ва ўзга музика маданиятларнинг тур ҳамда шакллари ёйилиши ёки жорий этилиши натижасида;

- иккинчиси, турли диний, этник, ижтимоий ва жўғрофий гуру аҳолисига хос, музикани асосан муайян, тартибсиз пайдо бўлган ҳаётий-маиший шаклларга мослашишидир. қайд этилган тамойилларнинг ўзаро таъсири эса АҚШ музика санъатининг ранго-ранглигига хизмат қилган асосий омиллардан бири дейиш мумкин.

XX аср бошларига келиб тоълиқ шаклланган Америка музика маданияти музикаий ҳаётнинг турли шакллари, уни молиялаштиришни, тижорат ва нотижорат профессионал музика билан боғлиқ ташкилотларнинг ўзига хос фаолияти, университетлар фаолиятини, музика санъатига ўқитадиган, ижро санъати марказларини қамраб олди. Бундай рақобатли вазият бадиий асар ижодкорларини «бозор» еҳтиёжига қарам бўлишига, кейинчалик эса санъаткорларни «сенсацион», яъни қисқа муддатли қийматга эга бўлган намуналар яратишга ундади. Демак, XX аср Америка Қўшма Штатлари жаҳонда биринчи бўлиб музика санъатининг айрим турларини тижорат йўли билан ривожлантиришга шарт-шароит яратди. Натижада. тижорат ҳолатлари билан боғлиқ жадал ривожланган АҚШ музика санъатининг жаз, кантри-мюзик ва айниса, поп-музика турлари «индустриализациялаштирилди». Профессионал музика ижодкорлиги ва ижрочилиги хусусий ва давлат фондларига боғлиқ ҳолда фаолият юрита бошлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, XX асрда ҳам ўзга мамлакатлар мусиқий анъаналарини бозор эҳтиёжларига мослаб ўзлаштиришни давом эттирган Америка Қўшма Штатлари мусиқа маданияти – 21 асрга келиб ҳам боша қитъа халқлари санъатига ўзининг кучли таъсирини ўтказа бошлади. Бу каби мусикий экспансия, авваламбор, АҚШ нинг умуммафкуравий сиёсати, давлат томонидан мазкур ишларга махсус, катта молия ажратиб берилиши ва кенг тармоқли оммавий ахборот коммуникацияларининг фаолияти билан боғлиқ ҳолда олиб борилди.

Маърузалар № 13 дан 16 гача.Эстрада хонандалигига жазнинг таъсири.

Маҳаллий анъаналарнинг шаклланиши ва кейинги АҚШ мусиқаси ривожига хабашларнинг мусиқа санъати муҳим аҳамият касб этгани маълум.. 18 асрдан бошлаб Африкадан мажбурий кўчирилган эрксиз қуллар ўзлари билан қадимий анъаналарга бой маданиятни “Янги Олам” га олиб келдилар ва бу маданият Европалик кўчманчилар маданияти таъсирига тушди. Асосан Американинг жанубий ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ишларини амалга оширган қуллар бадихағўй шаклдаги холлерс вашаутс каби айтимларни ижро этганлар. Кечалари эса ибодатга тўпланган хабашлар қадимий маросим айтимларини, саноларни (псалмлар), шунингдек, спиричуелзларни куйлаганлар. Булардан сўнггиси илк афро-америка мусиқий ифодавий шаклларида бирига айланди.

Алалхусус, 19 аср охири XX аср бошларида Европа ва Африка мусиқий маданиятларнинг қоришуви натижасида АҚШнинг жанубий штатларида профессионал мусиқа санъатининг янги тури жаз юзага келди. Жаз – инглизча кўнгил очар мусиқа тури, французчада – валдираш маъносини беради. Боша таърафда эса 1915 йили Нью – Йорк илк жаз ансамблини тузган Джазбо Браун исмидан олинган деб таъкидланади. Унинг яратувчилари ва ташувчилари эса америкалик хабаш улларнинг авлодлари бўлди. Бу мусиқа турида қуйидаги бадий анъаналарнинг ўрни салмоқлидир:

- усул (ритм)нинг муҳим ўрин тутиши;
- метрика ёки «бит» нинг изчиллиги;

- тўлқинсимон ҳаракатни юзага келтирувчи оҳанг урилмаларидаги урғулар (масалан «свинг»);
- остинато тарзида қайтарилиб турувчи кичик ҳажмдаги оҳанг («риффлар»);
- товушқаторнинг 3, 5, ва 7-чи босқичларидан ўзига хос қуйи ҳаракатдаги глиссандо («блюзноталар»);
- кенг овоз туси ва товушларга таҳлид қилувчи унсурларнинг қўлланиши;
- асарнинг аниқ тузилиши доирасида ритмик оҳанг урилмаларини ўзгартириб туриш (бадиха қилиш) ва б.

Шу ўринда хабаши халқининг вокал ижрочилигига мухтасар то'хталиб ўтишни ўринли деб билдик.

Айтиш керакки, Европа вокал ижрочилигига нисбатан Африка ижрочилиги кўпроқ сўз (талафуз оҳанглари) билан боғлиқдир. Чунки хабашиларнинг мусиқий ва сўз талафуз оҳанглари орасида деярли аниқ чегарани ҳис этиш қийин. Муҳим пардадан сирғанишлар (детонация) ва мусиқий куйлашдан табиий сўзлашув оҳанглари (интонация)га равон ўтиш каби унсурлар хабашиларнинг ўзига хос оҳанг талафузининг хусусиятларини ташкил этди. Шу боис ҳам уларнинг вокал ижросидаги мусиқий пардалар сифати турлича бўлиб, айримларини замонавий нота ёзуви оралиқ мурлаш мушкулдир. Хабаши халқининг вокал ижрочилиги ва ўзига хос садоланиш ҳақида гапирганимизда яна бир муҳим жихатни алоҳида айтиб ўтиш зарур. Бу овоз кучидир. Европа вокал ижрочилиги нуқтаи назаридан бундай кучли овоз ғайри табиий кўринади. Лекин, кўплаб тадқиқотчилар бу масала хусусида сўз юритганида хабашиларнинг қадимий анъаналаридан бири бўлган икки қишлоқ орасидаги қўшичиларнинг айтишувларни мисол тарзида келтиришади .19 аср охири XX аср бошларида жаз мусиқасида намоён бўлган блюз, спиричуелс ва госпел каби жанрларига хабаши халқининг анъанавий айтим ижро йўллари катта таъсир кўрсатган. қайд этилган жанрларда ифодавий ижро воситаларнинг анъанавий европа вокал техникасига нисбатан кенгайганлиги кузатилади. Хусусан, хабаши айтим ижрочилигига хос

глиссандо, фалцет (сунъий овоз чиқариш услуби), овозни тўлқинлантириш, бурунга куйлаш, пичирлаш, томоққа куч бериб (кучаниб) ижро этиш ҳамда турли чолғулар садоланишига таҳлид каби хусусий ижро техникалари билан бойитилди.

Жаз муסיқасининг шаклланиши ва ривожига бу турдаги муסיқанинг айрим жанрлари катта таъсир кўрсатган. Бу ҳолат джаз муסיқаси шаклланишининг илк даврларида фаолият юритган джаз созандалари ижросидаги асарларда хабаш айрим йўлларига, вокал ижрочилари эса ўз бадиҳаларида чолу ижро услубларига таҳлид этганликлари кузатилади. Бу каби таҳлид айтим услуби соҳа атамасида скет деб ном олган. Одатда, бу услуб джаз асарининг ўрта қисмида ижро этилиб, созанда ижросига хонанда тақлид қилади. Унда хонанда маълум маънога эга бўлмаган жумла, сўз ёки бир бўғин асосида ўз муסיқий бадиҳасини "уради". Мазкур услубни джаз вокал ижрочилигида илк бор Луис Армстронг 1926 йилда, қўллаган. Шундай қилиб, АҚШ муסיқа маданиятининг ўзига хос оммабоп чоғлу ва айрим жанрлари шаклланди, кучли оммавий ахборот коммуникация тармоқлари фаолияти билан ўзга маконларга ёйилди.

Жахон муסיқа оламида кенг ёйилган атамалар рок, бит, поп ва шлягер каби “енгил” муסיқалардан фарқли ўлароқ ўзбек муסיқий маданиятимизда асосан «эстрада» атамаси “енгил” муסיқа маъносида қўлланилиб келмода.

Маърузалар № 17дан 20 гача. Жазнинг келиб чиқиши ва унинг йўналишлари.

1. Меҳнат кўшиқлари.

Африкалик қора хабашларнинг “Work songs” кўшиқлари уларнинг куллик давриларида халқ миллий фольклорининг асосий негизи бўлган. Бу кўшиқлар якка ва гуруҳ ҳолда аккопониментсиз ижро этилган. Мусикий томондан бу кўшиқлар содда ривожсиз бўлиб, унча куйчан бўлмай қисқа нафасда ижро қилинган. Африкаликларга ҳос ҳолда бу кўшиқлар солист ва хор жамоасининг бир-бири билан ўзаро айтишуви ҳолатида ижро этилган. Стилистик томондан бу кўшиқлар ижрочиларнинг ҳайкириқлари, оҳ солиши, куйнинг усуллари ўзгарувчанлиги билан яққол ташланиб туради. Жазда кўшиқларнинг баъзи қичқириқли ва шовқинли ижросининг асоси шундан келиб чиққан. Бу ибора “Шаут” деб аталади. Бу ҳолат чолғу куйларида ҳам бор.

2. Менестреллар.

Менестрелларнинг пайдо бўлиши 18 асрда Шимолий Американинг, жонг-лёрларининг халқ томошаларида асос солинган. 19 асрнинг ўрталаридан бошлаб бу санъат тури афро-америкаликларнинг фольклор таъйиқида тобора бошқача ривож топди. Англокельтик хонаки кўшиқлар уларнинг ижросида қайта ишланиб, ўзгартиришлар киритилиб, бадиҳагўйлик ҳолатида ижро қилинган. 1830-йиллардан “Банджо” чолғуси ишлатилиб, кўшиқларга ўзгача колорит олиб кирди. Куй ва кўшиқларда синкопалар, пентатоник оҳангларнинг қисқа остинато ҳолатлиги, куйнинг тескари кетиши, аккордлик жўрлиги, септаккордлар, урма-зарбли чолғуларнинг ишлатилиши ўзига хос оригиналлик олиб кирди. Солист, хор ва чолғучиларнинг ижродаги қарама-қаршилиги секин аста ривожланди. Бу ҳолатдаги ижролар келгусида жаз санъатига асос солди.

3. Спиричуэлс.

Спиричуэлслар қора ҳабашларнинг оқ танликларнинг динига кириши билан пайдо бўлди. Қора ҳабашлар протестант черковлардаги кўповозлик мадҳияларнинг ижросини илк бор эшитиб, уни ўргандилар ва ижро қилдилар. Бу спиричуэлслар АҚШнинг жанубий штатларида 19 асрнинг ўрталарида пайдо бўлди. Спиричуэлс ўзининг хор жамоасининг юксак ижроси, қийин полифоник тузилиши, имитациялари, ритмик қийинлиги, бадиҳагўйлиги ва мусиқанинг гармоник мураккаблиги билан ривож топди.

Спиричуэлс-бундай мураккаб тузилиши билан Жазнинг пайдо бўлишига асос солди.

4. Регтайм.

Регтайм-19 асрнинг охирида пайдо бўлди. Бу йўналиш асосан фортепиано ижросида яралиб, жуда катта муваффақиятларга сазовор бўлди. Унинг структураси: куйнинг синкопик ҳолатлиги, аниқ ритмикаси ва чап қўлнинг чайқалиши кабилардан иборат. Регтайм-“Джиг-пиано”, унинг “кек-уок” билан боғланиши ва ритмиканинг “плантейшн-банджо” ҳолатлигидадир. Лекин унинг гармоник тузилиши, куй асоси, формаллиги европадан кириб келган. Регтайм- асосан қора ҳабашлар ижросида ривож топди. Халқ ижодидан ажралган ҳолда мусиқачи ва бастакорлар томонидан янада мураккаблаштирилди. Регтайм келгусида жазнинг асосини пойдевор қилди.

Қора ҳабаш мусиқачилардан: Скотт Джоупин, Джеймс Скотт, Том Тюрпин, Тони Джексон, Джелли-Ролл Мортон, Лаки Робертс; оқ танликлардан : Рассел Робертсон, Арти Мэтьюз, Чарли Томпсон, Роберт Хемптонлардир. Кейинчалик “страйд-пиано” ёки “гарлем-регтайм” йўналиши пайдо бўлди. Бунинг асосчилари: Джеймс Пит Джонсон, Уилли”Лев” Смит, Томас “Фетс” Уоллерлардир.

5. Буги-вуги

Буги-вуги 20-асрнинг 20 чи йилларининг ўрталарида пайдо бўлди. Буги-вуги йўналиши асосан фортепиано ижросидан келиб чиқиб, унинг асоси куйдаги басларнинг блюз ҳолатидаги функциясининг ҳар бир нимчорак нотасига акцент берилишига аҳамият берилади. Бунга яна тушиб қолаётган бас ҳам дейилади. Буги-вуги асосчилари ва ижрочилари: Джимми Янсен, Кларенс Пайинтоп Смит, Мид Лакс Льюис, Пит Джонсон, Альберт Эммонс-лардир.

6. Анъанавий жаз.

Анъанавий жазнинг асоси АҚШнинг Янги Орлеан штатида пайдо бўлди. Анъанавий жазнинг асоси-бу чолғу лар қаторига пуфлаб чаладиган чолғулар қўшилишидан келиб чиқди. Бу даврда оқ танлилар ва қора хабашларнинг оркестрлари алоҳида бўлган, лекин улар бир хил мусиқа ижро қилганлар. Кейинчалик оқ танликларнинг оркестрини “диксиленд” деб аташган. Буларнинг репертуари асосан марш, регтайм ва блюзлардан иборат бўлган. Мусикий асос бу-чолғуларнинг биргаликда бадихагўйлиги ва аниқ усулли гармоник план бўлган.

7. Чикаго йўналиши.

Чикаго йўналиши 1920 йилларда Чикагода пайдо бўлди. Бу йўналиш оқ танликлар жази деб аталган. Мусикий асоси бу-анъанавий жаз ва свингги ораси деб аталади. Бунда чолғуларнинг алоҳида гуруҳли ижроси, ва баъзи чолғуларнинг яъни; конробас, труба, гитара кабиларнинг кириб келиши ҳам сабаб бўлди. Саксофон ва рояль асосий чолғуларга айландилар.

8. Коммерча жаз

Коммерча жаз 1920-чи йилларда пайдо бўлди. Жазнинг ўта ривожланиб кетиши муносабати билан коммерча жазда бу оркестрнинг бадиҳагўйлигини камайтирилиши сабаб бўлди. Бунда концерт давомида фақат таклиф қилинган яккахон юлдузларгина бадиҳагўйлик қилишган. Бундай оркестрлар-симфोजаз деб аталган. Бу оркестр билан хонандалар ҳам ижро қилишни бошлаган. Йўналишнинг асосчиси- Поль Уайтмендир. Бу йўналиш жаз санъатининг юксак ривож топишига олиб келди. Оркестр муסיқачилари орасида оранжировкачилар пайдо бўлиши бошланди. 1924 йили Поль Уайтман бошчилигидаги оркестр Ж. Гершвиннинг “Блюз тондаги Рапсодиясини” ижро қилди ва жаҳонга машҳур бўлиб кетди. Жаз дунёга оммалашиб кетди. Асарларнинг гармонияси тобора мураккаблашди. Д. Грин, Р. Роджерс каби композиторлар симфोजаз услубида асарлар ёзишди. Айнан Шу даврда ёзилган кўплаб жаз асарлари жаз санъатининг олтин дурдонасига ва классикасига айланди, машҳур бўлиб кетди. Ҳозирги кунгача бу асарлар жаз юлдузлари томонидан маҳоратли ижро этиб келинмоқда.

9. Свинг.

1930 йиллар-жаз санъатида катта ўзгаришлар, бурилишларга олиб келди. Бунда анъанавий ва замонавий жаз ибораси пайдо бўлди. Свинг-бу чайқалиш деган маънони билдиради. 1929 йиллари АҚШда иқтисодий кризис юзага келади. Қора хабашлар жамоалари инқирозга учраб оқ танлилар оркестрлари фаолият кўрсата бошлайди. Биг-Бендлар тузилиши бошланади. Муסיқий жиҳатидан свинг бошқа йўналишлардан анча фарқ қилди. Бунда асарларда биринчи планга аранжировка ва соло риффлар жўрлигида ижро қилинди.

Бенни Гудмен оркестри бу даврда машҳур бўлиб кетди.Афро-американча муסיқа мураккаблашиб,замонавийлашди.Бу даврни классик свинг деб ата-маланди.Бенни Гудмен оркестрига қора танлиларни таклиф қилади.Свинг янада сержилолиги билан кучайди.Европа муסיқий оқимлари свингни янада беади,жаз гармонияси мураккаблашди.

10. Замонавий жаз. Би- боп.

Замонвий жаз 1940 йилларнинг бошларида Би- боп йўналиши пайдо бўлиши билан белгиланади. Би- боп жазга янги ритмлар, фразировка техникасини, куйчанлиги, шакллар ва гармонияларнинг янада бойлиги билан белгилан-ди. Би-боп свингни ривожланган даври ҳам дейилади.Муסיқачиларнинг ижро маҳоратининг юксалиши ва асарларнинг шу билан бирга мураккаблашиши бунга сабаб бўлди. Би-бопнинг юксалиши эса янги “про-грессив” йўналиши пайдо бўлишига туртки бўлади.Би-боп асосчилари: Чарли Паркер,Диззи Гилеспи,Телониус Монк,Бада Пауэла,Кенни Кларк ва бошқалардир.

11.Кул жаз.(Совук жаз).

Би-боп йўналишининг тобора ривожланиши 1940- йилларнинг охирида Би-бопга қарама-қарши йўналиш- яъни “Кул-жаз” йўналиши пайдо бўлади. Би-боп –иссиқ ва эмоционал бўлган бўлса, кул-жаз эса аксинча-совуққон ҳолатдаги жаз услубидир.Бу йўналиш ўзининг муסיқий оҳанглариининг жиддийлиги,вазминлиги ва куйчанлиги билан ажралиб туради.Кул-жазга асосан оқ танликлар асос солган бўлса, лекин унинг илк йўналишчилари қора танликлар,яъни: Лестер Янг, Майлс Девислар бўлганлар.Кейинчалик пианиночи Ленни Тристано кул-жазни назарий томондан ривожлантирди. Кул-жазда-классик ва замонавий гармоник тил,полифония ва политоналлик ишлатилади.Намоёндалар:Стен Гетц,Джерри Маллиган,Ли Конитцлар ва б.

12. Хард –боп.(мустаҳкам,қаттиқ).

Хард боп 1940 йилларнинг охири ва 1950 йилларнинг бошларида пайдо бўлди. Хард боп кул жаздан –гармоник ва бадиҳагўйликни ўз ичига олган ҳолда, қора танликлар ижро йўллариини ўзига мужассам этган. Йўналиш асосчилари : Джон Колтрейн, Сонни Роллинс, Джонни Гриффин, Эрик Долфи, Ли Морган, Кеннонбол Эдерли, Фредди Хабборд ва бошқалардир.

13. Прогрессив жаз.

Прогрессив жаз 1950 йилларнинг бошларида пайдо бўлди. Прогрессив жаз Свингнинг концертона фазали ривожидейилади. Прогрессив жазда симфоник музикасининг гармониялари, полифония ва оркестрнинг янгиликларини ўз ичига олади. Асосчилар : композитор, аранжировкачи ва оркестр раҳбари-Стен Кентон, Билл Руссо, Гюнтер Шюллер, Тео Мацери, Джордж Рассел, Гилл Эванслардир. Улар бунга янги услуб, жазнинг янгича аранжировкаларини яратдилар. Унинг гармоник планида кам. ва кўп-ган септаккордлар, хроматизмлар ва терциясиз аккордлар бордир.

14. Замонвий оқимлар.

1950 –йилларнинг охирига келиб жазнинг гармонияси, куйлари ва усуллари тобора ўзгараверди. Атоналлик авжга олиб кетди. Бу жаз санъатининг умумий музикаий ҳолатини янгилаб юборди. Бу атоналликни музикачилар кейинроқ модал жаз деб ноилашди. Яъни модусга асосланган техника, сунъий тонлардан иборат бўлган ҳолатда. Асосчилар : Сесил Тейлор, Джон Колтрейн, Арчи Шепп, Вен Шортер ва бошқалардир.

15.Жаз –рок.

1950 йилларнинг охирига келиб поп музикада Рокн-ролл йўналиши пайдо бўлади. Унинг асосчилари :Элвис Пресли ва Билл Хейлилардир.Рокн-ролл гармониясида ритм энд блюз йўллари киритилган.Кейинроқ рок услуби пайдо бўлади ва унинг ҳам гармоник кўриниши янада мураккаблаштирилади.Авангард йўналишидан кейин рок ва жаз музикавий томондан бирлаштириган ҳолатда куй ва кўшиқлар пайдо бўлади ва тез оммалашиб кетади.Бунда музикачилар жаз рокнинг гармоник жиҳатидан янгилаштириб,ладдик услубда бир ва бир нечта аккордларга бқладилар. Намоёндалар: Чик Кория,Кейз Эмерсон,Джо Завенул,Габор Сабо,Карлос Сантана,Херби Хенкок,Диззи Гилеспи ва бошқалардир.

Марузалар № 21 дан 24 гача. Эстрада хонандалигига ўқитиш услубиётлари.

Эстрада хонандалиги – ўзининг ичига хилми-хил қўшиқларни, турли хил йўналишларни қамраб олган. Эстрада хонандалиги аввалонбор хонанданинг эстрада сахнасида туриб куйлаши, енгил, тушунишга осон бўлган қўшиқлар ижросидир. Эстрада хонандалигида ҳалқ қўшиқлари ва оҳанглари, жаз элементлари, авторлик қўшиқлари, рок ва академик йўналишидаги ижролар мужассам топган. Эстрада вокали – академик вокалдан ўта очик ва оддий овозда куйлаши билан фарқ қилади. Лекин хонандачилик асосида вокал ижро жиҳатлари, тўғри позиция, овознинг таянчи академик вокали билан боғлиқдир.

Эстрада хонандалиги италянчадан “ воче” яъни овоз деган маънони билдиради. Эстрада хонандалигини мазмуни – унинг музикасини енгил ва тушунарлилиги билан боғлашади. Эстрада хонандалиги ўз ичига кўплаб йўналишларни олган. Булар: поп, рок, соул, R/B (айр энд би), рэп, хип-хоп, жаз вокал, фольк-этно поп кабилардир.

Эстрада хонандалигида 2-та этап бор. **Биринчиси**- овоз ва нафасни қўйиш, **Иккинчиси**- минус ва жонли музикаий жўрликда микрофон билан куйлаш. Овозни қўйиш, вокал ижро маҳоратини эгаллаш, нафасни тўғри ишлата билиш, артикуляция аппаратларини ишлата билиш каби билим-кўникмаларни эгаллаган ҳолдагина эстрада хонандаси бўлиши мумкин. Шунингдек хонанда бу каби маҳоратга эга бўлиб-эстрада хонандалигидаги турли хил йўналишларидан бирини танлаб кейинчалик ижод қилади. Вокал жиҳатлар билим-кўникмаларини ўрганишда хонанданинг табиатан қандай овоз турига эгаллигини аниқлаб кейин ишлаш керак. Овоз тўғри ишланган сари, у табиий, индивидуал тембрга эга бўлади. Ўзгача чиройли ва майин бўлади. Овоз диапазони устида кўп ишланади. Унинг учун нафас ва дикция устида алоҳида машқлар билан ўқиш керак.

Эстрада хонандалигида педагогик қонун қоидалар.

ДИДАКТИКА (ўқитиш шаклининг таратиби).

1. “Оддийликдан – мураккабликга”.
2. Маълумотларни поғонама-поғона ўзлаштириш.
3. Индивидуал нуқтаи назар.
4. Ижодий нуқтаи назар.
5. Илмий нуқтаи назар.
6. Ўқитишнинг комплекс услубиётидан фойдаланиш(ўрганишнинг боғлиқ тартиби); жазва эстрада ижрочилиги тарихи, жаз гармонияси ва сольфеджио, импровизация, актёрлик маҳорати, сахна ҳаракатлари, мусиқий акустика, фонетика, овоз аппаратининг анатомияси ва физиологияси, психология.
7. Асбоб-ускуналарнинг техник воситаларидан фойдаланиш.
8. Эстрада ижрочилари санъатини таҳлил қилиш.
9. Ижрочиликни ўқитиш услубларининг оммалашган турлари.
10. “Эстрада ижрочилиги” дарслигининг ўргатиш бўйича ўзингизда тўпланган тажрибалар асосида услублар ишлаб чиқиш.

АККУСТИКА- овоз имкониятлари ҳақида ўрганиш.

ТОВУШ – бу ички эгилувчанликдаги тебраниш тўлқинларининг тарқалиши.

ОВОЗ ТОВУШИ – бу ҳаво тебранишининг майда зарраси бўлиб, қуюқ ва юмшоқ шаклида тарқалади.

ТОВУШ МАНБАЛАРИ – симлар, декалар, кескин лаблар.

КУЙЛОВЧИ ОВОЗ МАНБАЛАРИ – овоз алоқаларининг бир-бири билан ўзаро тебраниш яқинлиги.

Товушлар баландлиги ҳамда шовқинли кўринишда бўлади. Барча мусиқа товушлари бевосита овознинг баланд ёки пастлиги билан боғлиқ бўлади.

Шунингдек, сиреналар, гудоқлар ва идиш-товоқларнинг жаранги сингари товушлар ҳам бир-бири билан фарқланади.

ТОНЛИ товушлар аниқ даврий тебраниш тезланиш манбъасидир.

ШОВҚИНЛИ товушлар – бу даврий бўлмаган тебранишдир, шунинг учун улар аниқ баландликни акс эттирмайдилар. Инсон сўзлашаётганида ҳамда куйлаётганида унинг овоз аппаратида: тонли(маълум), шовқинли(товушсизликка мувофиқ) овозлар вужудга келади. Қўшиқ куйлаш малакалари оммалашган мусикий товушларга асосланади. Ўз навбатда ҳар қандай овоз ҳам баланд тебраниш, кучли (тебраниш амплитудаси), тембр(овоз спектри) билан характерланадилар.

РЕЗОНАНС – бир чолғунинг иккинчисига тегиши натижасида ҳосил бўладиган овоз. Яъни у частоталарнинг бир хиллиги.

РЕЗОНАТОР- хона ичидаги деворга бориб уриладиган ва қайтариладиган ҳаво ҳажми. Шунингдек, резонатор қабул қилинган энергияни тўплашга ҳам хизмат қилади. Товуш инсон бўғисидида пайдо бўлади. Аммо у артикуляцион аппаратида вужудга келган овоз ва томоққа товушнинг келиши билан тембрга эга бўлади. Ҳар бир инсонда куйлаш малакалари бевосита очик товушга эга бўлади. Ҳар бир очик овоз томоқ ва оғиз бўшлиғининг имкониятларидан келиб чиқади.

ФОРМАНТА – мавжуд овоз тембри шаклининг характерли бўёғи ва обертонларнинг кучайишига айтилади. Шуниси аниқки, профессионал хонандаларда юқори даражадаги куйлаш формантаси қозир бўлади-агарда овоз ҳамма жойга бир хилда тарқасагина.

ВИБРАТО-европа академик хонандалигида нормал жонли овоз тебраниш частотаси секундига 6-7 мартани ташкил этади.

ТОВУШ ТАРҚАЛИШИ – йўналиши таллафуз қилиш ҳамда яхши артикуляция, яъни аниқлик кучи билан ўзаро аҳамият касб этади.

ИМПЕДАНС – бу тебраниш резонаторлари системаси ва овознинг боғлиқлиги,яъни мустаҳкам қувватҳамда овознинг жаранглашини янада орттириб бериши билан ўзаро боғлиқдир.

ЮҚОРИ ИМПЕДАНС – махсус қурилган товуш тўлқининг артикуляцион аппарат даражасига таъсири ҳамда овоз имкониятларига қўйиладиган юкламанинг камайиши.

АКУСТИК ИМПЕДАНС – акустик тизим(овоз чиқарувчилар,рупорлар,трубаларва ҳакозолар)нинг тебранишини кўриб чиқаётганида киритилади.

Хонанда овозининг парвози, жаранглаш диапазони овознинг тембри,юксак хонандалик тони (формантаси) мавжудлиги(оркестр узра парвоз қилади, катта биноларда эшитилади ва тингловчи томондан яхши қабул қилинади),товушнинг юксак ўрни, ҳолати билан боғлиқдир. Вазифалар:

1.Ижрочининг индивидуаллиги(овоз диапозони ва бошқа маълумотларни) аниқлаш.

2.Ижро жанри (рок,жаз ва ҳ.к.з.ларни) аниқлаш.

3.Куйлаш маданияти устида ишлаш:

- регистрларни текслаш
- жарангдорликни ривожлантириш
- овоз баландлиги (диапазони)ни кенгайтириш
- хонандаликка хос нафас олишни машқ қилиш
- овознинг мосланувчанлиги ва эстрада жаз вокали устида ишлаш
- машқларни бажаришда асосий мезон: “табассум билан куйлаш” ва “образдан товушга томон юриш” мажбурий бўлиши керак
- товуш академик вокалига қараганда аниқроқ бўлиши лозим.

№ 25 дан № 28 гача Эстрада хонандалигида ижрочилик амалиётлари.

Хонандаликни ўрганишда синфда ўтиладиган барча билим малакаларни амалда ишлата билиш лозим. Амалиёт нафақат хонандачиликда балки, барча турли хил мутахассисликларни ўрганишда ҳам ишлатилади. Амалиёт бу олган билимни тўлдиради ва мустаҳкамлайди. Хонандачиликда амалиёт бошқа мутахассисликлардан фаркли ўлароқ – турли хил сахналарда ўталади. Бунда хонанда масалан; якка концерт дастури билан чиқиши ёки катта Гала-концертларда иштирок этиши мумкин. Якка концерт дастурини хонанда чолғучилар билан, оркестр билан, ёки фонограмма орқали ўтказиши мумкин. Концертни тайёрлашда хонанда машақатли меҳнат орқали сахнага олиб чиқади. Бунда у агарда ўта жонли ижро қилмоқчи бўлса кўплаб репетициялар орқали бунга эришади. Якка ва гала-концертлар режиссурасиз ўтказилмайди. Профессионал ижрочиликда барча жавҳалар инобатга олинади. Масалан :кийимлар тиктирилади(албатта қўшиқларга мос ҳолда), сценарий тузилади(бирор бир мавзуга ҳам бағишланиши мумкин), актёрлар қатнашиши мумкин, раққоса ва раққослар иштирок этадилар, концертни олиб боровчи конференсье қатнашади, сахнани безайдиган рассом ва дизайнерлар бўладилар ва ҳақозо. Концерт кўпчиликлнинг иштирокида ўтадиган катта тадбирдир. Гала-концертларда эса қатнашувчилар сони бунданда кўпроқдир.

Демак, амалиёт деганимизда хонанданинг сахналардан туриб ижросига айтилар экан. Амалиёт дарсларини хонанданинг мутахассислик фани бўйича устозлари ва сахна ҳаракати ва актёрлик маҳорати устозлари билан бирга ўтказилинади. Дарслар ўқув муассасаларнинг залларида ўтказилинади. Хонанда концертмейстер жўрлигида, созандалар ансамбли, фонограмма минус ёки оркестр жўрлигида сахнада ижро этиш билим ва кўникмаларни дарслар орқали ўрганаверади. Бунинг учун барча ўқув муассасаларида мутахассисликни ўрганишда амалиёт фани киритилган. Талабалар кераклигича амалиёт фанини ўзлаштирадилар.

**№ 29 дан № 32гача Эстрада хонандалигида дастурни тўғри танлаш
ва ижодий ҳамкорлик.**

Эстрада хонандалигида ижро дастурини тўғри танлаш муҳим омиллардан биридир. Хонанда дастур танлаётганда кўп нарсаларга эътибор бериши керак. Бунда овоз имкониятлари муҳим рол ўйнайди. Хонанда ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қўшиқларни танлаши лозимдир.

Ўқув муассасаларида тасдиқланган дастур жорёъ этилган. Шу тасдиқланган дастур орқали муассаса ўқитувчилари ижро дастурини талабаларга берадилар ва дастурга амал қиладилар. Хусусан мусиқа мактаблари, ўрта махсус билим юртлари ва олий таълим муассасаларида қандай дастур бериш кераклигини олий ва ўрта таълим вазирлиги ва халқ таълими вазирлиги муассасалар учун мутахассисликлар бўйича ижро дастурини тасдиқлаб қўйган. Билим даргоҳларида тасдиқланган дастурга қатъий амал қилинади. Масалан эстрада хонандалиги йўналиши бўйича тахсил олаётган ўрта махсус ва олий таълим талабалари қуйидаги дастурга амал қиладилар: ҳар семестрда 2 та ўзбек композиторларининг эстрада қўшиғи, АҚШ ва Ғарбий Европа композиторлари ва эстрада юлдузларининг дастуридан 1 та қўшиқ ва рус эстрадаси юлдузлари ва композиторларининг 1 та қўшиғи. Ушбу ижро дастурига талаба битириб кетгунича амал қилади.

Хонанда ўзининг шахсий ижро репертурига ўзи хохлаган қўшиқларни киритиши мумкин. Якка концерт дастури билан сахнага чиқмоқчи бўлган хонанда ижро репертурига катта аҳамият бериши лозим. Бунда авторлик қўшиқлар, композитор қўшиқлари, чет эл эстрада қўшиқлари репертуарда жой олган бўлади. Баъзида концертлар махсус бир мавзуга бағишланиши мумкин. Бунда эстрада хонандаси керакли мавзуга аҳамият берган ҳолда қўшиқларни ижро қилади. Мавзулар турли хил бўлиши мумкин, масалан; она-ватан мавзуси, муҳаббат мавзуси, ҳарбий ва болаликни мадҳ этувчи қўшиқлар, она ва отани, эзгуликни мадҳ этувчи мавзувий қўшиқлардир.

Концерларда ижро этиладиган қўшиқлар албатта махсус тузилган бадиий кенгаш томонидан тасдиқланади ва рухсат этилади. Хонанда концертни берилган яъни белгиланган вақт мобайнида ўтказиши шарт.

Эстрада хонандалигида ижодий ҳамкорлик, хонандачилик фаолиятининг асосий омилларидан ҳисобланади. Композитор, шоир ва хонанда ижодий учлиги асрлар давомида анъанавий равишда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бу учликнинг ижодий маҳсули бўлмиш –қўшиқ, турли хил мавзуларга бағишланган ҳолда яратилади. Кўпинча яратиладиган қўшиқ хонанда томонидан буюртилади. Хонанда қўшиқларни турли хил сахналарга олиб чиқади ва эфирларга узатади. Телевидение эфирига қўшиқни олиб чиқиш учун хонанда телережиссёрлар билан ишлайди. Қўшиқни видеоклип ҳолатида узатиш учун хонанда клипмейкерлар билан ижодий ҳамкорлик қилади.

Қўшиқни ёзишда хонанда айтиб ўтганимиздек турли хил мавзуларга бағишлаб ёздиради. Бунда аввал шоир билан ижодий жараён кечади, кейин эса хонанда ва шоир шеърни композитор ёки бастакорга олиб боради ва уч томонли ижодий жараён бошланади. Хонанда буюуртмачи бўлган ҳолда асосий роль ўйнайди. Чунки қўшиқни хонанда ўзига мос қилиб ёздиради. Қўшиқда тоналлик, диапазон, тесситура ва овоз имкониятлари хонанданинг ижро маҳоратидан келиб чиқилинади. Негаки хонанда қўшиқни ижро этаётганида ҳеч қандай қийинчиликларга дуч келмаслиги лозим. Ёзилган қўшиқ рояль, чолғу ансамбли, оркестр ва минус жўрлигида ижро этилади. Қўшиқни эфирга бериш учун эса хонанда овозини овоз ёзиш студияларида ёздиради. Шунда қўшиқ тайёр маҳсулот ҳолатига келтирилган бўлади.

Баъзида, эстрада хонандалигида, хонандалар- ҳам шоир, бастакор фаолиятини бажаришлари ҳам мумкин. Бундай ижодий жараён доимо учраб туради. Бундай ижодий ҳолатлар ўзбек эстрадасида ва чет эл эстрадасида кўплаб учраб туради. Абатта бунинг учун хонанда юқори даражада профессионал даражада билимга эга бўлиши шарт. Негаки бундай фаолият чуқур билимни талаб қилади.

№ 33 дан № 36 гача Эстрада хонандаларининг овоз ёзиш студияларида ишлай билиши ва шоу - бизнес.

Музыка овоз ёзиш студиялари – музикаий асарларнинг тайёр ҳолатига келтирадиган муҳим маскандир. Айнан бу ерда ишлайдиган юқори профессионал овоз режиссёрлари бизларга тайёр музыка маҳсулотини тайёрлаб берадилар. Аввал студияга хонанда ўзининг ёзиши керак бўлган кўшиқ минусини олиб келади. Баъзида кўшиқ жўрлиги чолғу ансамбли ёки оркестр билан бўлади. Бунда албатта овоз ёзиш студиялари шунга мосланган бўлиши лозим. Кўшиқ жўрлиги овоз ёзиш студияларининг кўп каналлик микшер пультга каналларга бўлиб тарқатилади. Сўнг музыка чолғулари бир хил овоз баландлигида тексланади. Тексланган музикаий жўрлик устидан хонанданинг овози ёзилади. Кейин овоз ва музикаий жўрлик биргаликда тексланади ва тайёр маҳсулотга айлантирилади.

Жонли музикаий жўрликда овозлар яъни чолғулар алоҳида ёзилади. Бундай ёзиш услуби маҳсулотнинг фақат сифатини яхшилашга катта аҳамият беради. Негаки сифатли маҳсулот овоз ёзиш студияларининг асосий омилидир. Овоз ёзиш студиясининг яна бир асосий фаолияти бу- монтаждир. Бунда овоз режиссёрлари хонанданинг баъзи фальш ва хатоларини тозалайдилар. Натижада кўшиқ ҳар томонлама тозаланади, тексланади ва тайёр маҳсулотга айлантирилади.

Овоз ёзиш студиялари юқори даражада сифатли ва замонавий асбоб - ускунали билан жиҳозланган бўлишлари лозим. Ҳозирги кунда теле ва радио эфирлари юқори сифатли музикаий асар фонограммасини талаб қилишмоқда. Негаки музыка тингловчилар ҳам шунини талаб қилмоқдалар. Студияларда микрофонлар, синтезаторлар ва бошқа чолғу асбоблари бўлиши лозимдир. Ҳозирги кунда студияларда овоз ёзиш учун махсус яра – тилган компьютерлар мавжуд. Бу компьютерлар – миди-секвенсор, рақамли магнитофон, микшер, аудиофайллар редактори ва бошқа муҳим фаолиятларни ўзига мужассам этган.

Ҳозирги кунда эстрада санъатида катта иқтисодий ва молиявий ўзгаришлар санъаткорларнинг ижодий фаолиятига катта таъсирини ўтказиб келмоқда. Шу сабаб санъаткорларнинг фаолиятида янги вазифалар ва лавозимлар пайдо бўлди. Илгари санъаткорларнинг фаолиятида администратор ва бадий раҳбар ишларни олиб боришган бўлишса, ҳозир эса продюсерлар, менеджерлар, директорлар, спонсорлар фаолияти катта аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Улар ўзини вазифасини жуда яхши биладиган инсонлардир. Продюсер - санъаткорни ижодий жараёни билан шуғулланади. Администратор концерт ва ижрочилик фаолияти билан шуғулланади. Менеджер санъаткорни молиявий жиҳатлари билан шуғулланади. Директор эса барча ташкилий ишларга бош бўлади ва уларни назорат қилади. Эстрада хонандалар, албатта “юлдузлар” фаолиятида шундай ижодий жараёнлар мавжуддир. Бунда ҳамма маъсул шахслар ўз вазифаларини пухта эгаллаган инсонлардир. Уларнинг барчаси юлдуз – хонанда учун ишлайдилар. Хонанданинг қўшиқ олиб ёзишини, қўшиққа видеоклип олинишини, эфирга узатилишини, концертларни ташкилаштирилишини, концертга костюмдан тортиб музикачилар, раққос ва раққосалар, сахна безаклари, рассомлар, постановкачи-режиссёрлар ва концерт чипталарини сотишгача хонанданинг ташкилий гуруҳи шуғулланадилар. Бу фаолиятлар албатта қонуний расмийлаштирилади ва ўзаро шартнома томонлар билан тузилади. Шартномани бузганлар ишларидан четлаттириладилар. Шартнома маълум муддатга тузилади. Шартномани бузган эстрада хонандасикетган маблағни тўлайди ва ҳатто ҳар қандай жавобгарликка тортилади. Негаки ҳозирги кунда хонандага шоу – бизнес талаблари шулардан иборат.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август № 463-1.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Тошкент , 1997 й., 29 август № 463-1.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият», 2008.
4. Д.Амануллаева “Эстрада хонандалиги”. Тошкент-2007й.
5. Д.Амануллаева, Н.Аманова “История джаза и эстрады”. Тошкент-2007й.
6. М.Оринбаева.”Эстрада кўшиқлари”. Тошкент-2010й.
7. М.Оринбаева. “Эстрада хонандалигига ўқитиш услугиёти”. Тошкент-2013й.
8. Т.Рашидов “Эстрада санъати”. Ўқув-услубий мажмуа. 2011й.
9. Г.Зокирова “Энг гуллаган ёшлик чоғимда”. Тошкент-2011й.
10. Д.Амануллаева. “Эстрада –жаз вокализлари”. Тошкент-2014й.